



# ELECTRONIC EDUCATION

# ELECTRONIC SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN2-181-1199

II  
2021



## TAHRIRIYAT

### Bosh muharrir

*Ro'ziyev Raup Akmadovich  
fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent*

### Bosh muharrir o'rinnbosari

*Mirsanov Uralboy Muxammadiyevich  
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa fanlari  
doktori PhD*

### Editor-in-Chief

*Ruziyev Raup Akhmadovich  
Candidate of Physical and Mathematical  
Sciences, Associate Professor*

### Deputy Editor-in-Chief

*Mirsanov Uralboy Mukhammadiyevich  
PhD in Pedagogy*

## TAHRIRIYAT A'ZOLARI

*Sobirov Baxodir Boypulatovich*- NavDPI rektori, texnika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Laqayev Saidaxmad Norjigitovich*- akademik (*O'zbekiston*).

*Djurayev Risbay Xaydarovich*- akademik (*O'zbekiston*).

*Shokin Yuriy Ivanovich*- akademik (*Rossiya*)

*Negmatov Sayibjon Sodiqovich*- akademik (*O'zbekiston*).

*Aripov Mersaid Mirsiddikovich*- fizika-matematika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Turabdjanov Sadritdin Maxamatdinovich* - texnika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Raximov Isomiddin Sattarovich*- fizika-matematika fanlari doktori, professor (*Malayziya*).

*Shariy Sergey Petrovich*- fizika-matematika fanlari doktori, professor (*Rossiya*).

*Qurbanov Shavkat Ergashovich*- pedagogika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Ajimuxammedov Iskandar Maratovich*- texnika fanlari doktori, professor (*Rossiya*).

*Ibraimov Xolboy*- pedagogika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Yunusova Dilfuza Isroilovna*- pedagogika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Yuldashev Ziyavidin Xabibovich*- fizika-matematika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*)

*Aloyev Rexmatillo Djurayevich*- fizika-matematika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Abdullayeva Shaxzoda Abdullayevna*- pedagogika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Mo'minov Bahodir Boltayevich*- texnika fanlari doktori, professor (*O'zbekiston*).

*Xolmurodov Abdulhamid Erkinovich*- fizika-matematika fanlari doktori, dotsent (*O'zbekiston*).

*Lutfillayev Maxim Xasanovich*- pedagogika fanlari doktori, dotsent (*O'zbekiston*).

### Editor-in-Chief

*Ruziyev Raup Akhmadovich  
Candidate of Physical and Mathematical  
Sciences, Associate Professor*

### Deputy Editor-in-Chief

*Mirsanov Uralboy Mukhammadiyevich  
PhD in Pedagogy*

## Ergasheva Gulruxsor Surxonidinovna-

pedagogika fanlari doktori (DSc), dotsent (*O'zbekiston*).

*Nasirova Shaira Narmuradovna*-texnika fanlari doktori, dotsent (*O'zbekiston*).

*Ruziyev Dilshod Ubaydullayevich*-texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent (*O'zbekiston*).

*Xujjiyev Sodiq Oltiyevich*-biologiya fanlari nomzodi, dotsent (*O'zbekiston*).

*Suvonov Olim Omonovich*- texnika fanlari nomzodi, dotsent (*O'zbekiston*).

*Kalonov Bahriiddin Hazratovich*-geografiya fanlari nomzodi, dotsent (*O'zbekiston*).

*O'tapov Toyir Usmonovich*-pedagogika fanlari nomzodi (*O'zbekiston*).

*Ibragimov Alimjon Artikbayevich*-fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent (*O'zbekiston*).

*Yodgorov G'ayrat Ro'ziyevich*-fizika-matematika fanlari nomzodi (*O'zbekiston*).

*Xudoyorov Shuxrat Jumaqulovich*- fizika-matematika fanlari nomzodi (*O'zbekiston*).

*Baxodirova Umida Baxodirovna*-pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) (*O'zbekiston*).

*Toxirov Feruz Jamoliddinovich*- texnik muharrir

*Jo'rakulov Tolib Toxirovich*- texnik muharrir

June-2021, volume 3, №2 ISSN2-181-1199

Email: [jurnal\\_nspi@mail.ru](mailto:jurnal_nspi@mail.ru)

1-A, South Street, Navoi sity

## MUNDARIJA

**Таълим тизимида веб- квест технологияларидан фойдаланиш**  
Ўтапов Тойир Умонович, Усмонова Соҳиба Тоийр қизи 4

**Intercultural competence: values, traditions and superstitions**  
Khasanova Saodat Kayimovna, Boboyorova Dilrabo Fakhreddinovna 13

**Педагогика олий таълим массасаларида “Дифференциал тенгламалар” бўлмини ўқитишида математик амалий пакетларнинг имкониятлари**  
Холиков Суюнжон Ҳамракул ўғли 22

**Talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish modeli**  
Xamroyev O'tkir Namozovich 37

**Methodology of organization of students independent study activities in microbiology with the use of virtual education technologies**  
Bakhodirova Umida Bakhodirovna, Rakhmonova Gulbahor Shavkatovna 46

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ВЕБ- КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўтапов Тойир Умонович

*Навоий давлат педагогика институти, п.ф.н. Ўзбекистон*

Усмонова Соҳиба Тойир қизи

*Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси, Ўзбекистон*

**Антоация:** Ушбу мақолада кредитъ модул тизимида талабалар мустақил ишларини ташкиллаштиришнинг самарали технологияларидан бири, веб квест технологияси ҳақида маълумотлар, веб квестнинг мақсади, талабалар мустақил фаолиятини ташкиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, веб квест технологиясининг асосий хусусиятлари ҳақида маълумотлар ёритилган.

**Антоация:** В данной статье описывается информация о технологии веб-квеста, одной из эффективных технологий организации самостоятельной работы студентов в системе кредитных модулей, цели веб-квеста, педагогических условиях организации самостоятельной деятельности студентов, основных особенностях технологии веб-квестов

**Annotation:** This article describes information about the technology of the web quest, one of the effective technologies for organizing the independent work of students in the system of credit modules, the purpose of the web quest, the pedagogical conditions for organizing the independent activity of students, the main features of the technology of web quests.

**Калит сўзлар.** веб квест, кредитъ модул, педагогик шарт-шароитлари.

**Ключевые слова.** веб-квест, кредитный модуль, педагогические условия.

**Keywords.** web quest, credit module, pedagogical conditions

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари босқичма-босқич кредит модуль тизимига ўтиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида

таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадюирлари тўғрисида" 2020 йил 31 декабрда №824 сонли қарори қабул қилинди. Янги таълим стандартларида қўйилган тизимли фаолиятни ташкил этишнинг жорий этилиши таълимнининг анъанавий парадигмасини ўзгартироқда, яъни БКМларни ўзлаштиришга асосланган "ўқишга ўрганиш" жараёнига ўtkазилмоқда. Бундан ташқари, аудиторияда ўрганиш учун кам соат ажратилган ҳолда ўқиш даврида ўзлаштириш лозим бўлган ўқув материалининг хажми доимий ошиб бормоқда. Шу муносабат билан талабаларда мустақил таълим маданиятини, мустақил фаолият қобилияtlарини шакллантириш вазифаси долзарб бўлиб бормоқда. Бунақа шароитларда биринчи навбатда талабаларда мустақил иш натижадорлигини ошириш, дидактик жиҳатдан асосланган ишланмаларни яратиш, мустақил таълимни ташкиллаштириш ва бошқариш масалалари биринчи ўринга чиқади.

**Адабиётлар таҳлили.** Ўқув жараёнида веб квестларни яратиш ва фойдаланиш муаммолари билан хорижий олимлардан Б.Додж, Т.Марч, В.Шмидтлар шугулланишган. Бу олимлар томонидан илмий адабиётларда веб-квест бўйича икки хил қарашлар, яъни веб-квест таълим маҳсулоти сифатида ҳамда веб-квест технология сифатида илгари сурилган[3].

Н. В.Николаеванинг тадқиқотларида веб-квестлар таълим жараёни сифатини ошириш усулидаги технология деб ўрганилган. Шунингдек, веб-квестни қўйидаги 3 та тур бўйича кавлификациялаган:

- 1) Бажарилиш муддатига қараб: қисқа муддатли ( билимларни эгаллаш ва мустахкамлаш, кўшимча ахборотларни ўзлаштириш) ва узок муддатли (билимларни кенгайтириш ва бойитиш, маълумотларни таҳлил қилиш, янги маҳсулот яратиш);
- 2) Предмет мазуни бўйича: монолойиҳали ва фанлараро веб-квестлар.

3) Талабалар томонидан бажариладиган топшириқлар типи бўйича: қайта айтиб бериш, жумбоқлар, мунозарали муаммоларни журналистик, конструкторлик ва ижодий ечиш[7].

Веб-квест модели педагогик технология сифатида 1995 йилда Сан Диего университети ўқитувчилари Берни Додж ва Тони Марч томонидан таклиф этилган. Бугунги кунда бу ўқув модели Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Шунингдек, ушбу ўқув моделини оммалаштирувчи бир қатор сайтлар мавжуд бўлиб, улардан нафақат ўқув веб квестларига мисолларни, балки уларни яратувчи шаблонларни ҳам топиш мумкин.

Педагогикада Веб-квест – бу ўйин элементларидан иборат топшириқлар тизими бўлиб, уни бажариш учун фойдаланадиган ахборот ресурслари, шунингдек, Интернет ресурслар ҳам мавжудир. Бу нарсани амалга оширишда ўқувчилар группаси иштирок этиши мумкин бўлган тармоқ лойиҳаси сифатида қарамаслик керак. Таълимий веб квестлар ўқувчилар билимларни ўзлаштириши ёки мустаҳкамлаши учун мустақил ишлашга мўлжалланган..

Веб-квест таълим технологияси сифатида ўқувчилар ўқув маълумотлари билан мустақил ишлайдиган ва янги билимларни шакллантирувчи ёндошувга таянади. Ушбу ёндошувни амалга оширишда ўқитувчи маслаҳатчига, ўқувчиларнинг ўқув-идрок, муаммоли-йўналтирилган ва тадқиқот фаолиятини ташкиллаштирувчи, мувофиқлаштирувчи шахсга айланади. Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг мустақил ақлий ва ижодий фаолияти учун шароитлар яратилади ва уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланади.

**Тадқиқот методологияси.** Янги билимларни шакллантириш бўйича талабаларда мустақил ўқув фаолиятини ташкиллаштириш муаммолари таҳлили шуни кўрсатадики, мустақил ўзлаштириш маданиятини шакллантириш жараёнида нисбатан самаралироқ бўлган маҳсус педагогик шароитларни яратиш зарур экан.

Амалиётдан келиб чиқиб талабалар мустақил фаолиятини самарали ташкиллаштиришнинг қуидаги асосий педагогик шарт шароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Талабаларни мустақил таълим фаолиятига тайёрлашда амалий ва назарий таркибнинг ягоналиги;
- Талабалар мустақил таълим фаолиятини ташкиллаштириш мазмуни, шакли ва методларини танлашда шахсга-йўналтирилган ёндошувни қўллаш;
- Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш.

Таълимни информатизациялаш шароитида талабалар мустақил таълим фаолиятини сифатини ошириш муаммоси АҚТ ва интернет технологиялар, хусусан квест-технологияларга асосланган маҳсус педагогик методлар ва технологиялани қўллаш ҳисобига ҳал этилиши мумкин. Бу технологиялар яна шунинг учун долзарбки, таълим-тарбия жараёнини фаоллаштирувчи ва интенсификациялашни талаб этувчи замонавий мактаблар ўйинли технологиялардан фойдаланишни қатъий тавсия этишади.

Бугунги кунда квест болалар ва катталар ўртасида кенг оммалашди. Агар «quest» сўзи инглиз тилидан таржима қилинса бу “ниманидир қидириш, топшириқни бажариш” маъносини беради. Одатда квест дейилганда ўйинчининг интеллектуал қобилиятига таянадиган ўйин тушунилади. Яъни ўйинчилар олдиндан қўйилган мақсадга эришиш учун айрим топшириқларни бажариши ёки айрим тусиқларни енгиб ўтиши зарур. Квест ўйин жанридаги энг ёш ва ривожланаётган жанрdir. У 20- асрнинг 90- йилларида кенг тарқалди ва 2006 йилда дастлабки “хаққоний квест” вужудга келди.

Компьютер техникасининг ривожланиши билан компьютер ўйинларини яратувчилар муваффақият билан квест моделини виртуал ўйинларга қўллай бошлашди. Бу ўйинлар аниқ бир қаҳрамон билан боғлик бўлган сюжет аслосида яратилган.

Бугунги кунда “квест” сўзи билан одатда компьютерли ўйинлар тушунилади ва улар бир нечта даражалардан иборат бўлиб, ўйинчидан ҳар хил турдаги қийинчиликларни босиб ўтиб шартли “жамғармага” етишиши ёки дунёни эгаси бўлишлиги керак.

Ўз навбатда ўқувчилар ўқиши жараёнида тенг ҳуқуқли иштирокчига айланади ва ўз ўқитувчилари билан жараён ва ўқитиш натижаси учун жавобгарликни тақсимлаб олишади. Онлайн муҳит эса ўқувчиларга ўзлари томонидан ўзлаштириш темпини, вақтини, таълим маршрутини ва ўқиши жойини назорат қилиш имкониятини яратади ва ўз-ўзини бошқаришга, режалаштириш кўникмаларини шакллантиришга, назорат қилишга ёрдам беради.

Таълимий веб-квестнинг бошқа технологиялардан фарқлантирувчи асосий хусуситялари қўйидагилар ҳисобланади:

- Ўқувчиларга ушбу веб-квестни бажариш натижасида эгаллаши мумкин бўлган билим, кўникма ва малакалар рўйхатининг тақдим этилиши;
- Топшириқни бажариш ва янги билимларни шакллантириш учун зарурий бўлган маълумотларни қамраб олувчи олдиндан аниқланган ресурсларнинг мавжудлиги;
- Зарурий натижага эришиши учун зарурий бўлган ва ўқувчилар бажариши лозим бўлган амаллар ва уларнинг тартибининг мавжудлиги;
- Бажарилган топшириқларни баҳолаш учун аниқ ва ишончли мезонларнинг мавжудлиги.

Таълимий веб-квестлар предмет компетенцияларидан ташқари яна қўйидаги компентенцияларни самарали шакллантирилишига ёрдам беради:

- Ҳар хил турдаги маълумотлар манбаларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш;
- Ўз-ўзини ўрганиш ва ўз-ўзини бошқариш;
- Ўз-ўзини назорат қилиш.

Веб-квестдан фойдаланиб ўқитишнинг асосий характеристикасига куйидагиларни киритиш мумкин:

- индивидуал қабул қилиш хусусиятлариға мос ҳолда маълумотлар манбани танлаш ва ўқув материалини ўзлаштириш темпини танлашни ўзида қамраб олган ўқув жараёнини индивидуаллаштириш
- маълумотлар манбанинг турли хиллиги: матн, видео, анимация ва б.;
- ўқув маериалини ўзлаштиришга мотивацияни таъминловчи ўйин компонентларининг мавжудлиги;
- топшириқ ва уларни бажариш натижасини боғловчи сюжетли чизгиларнинг мавжудлиги;
- универсал ўқув амалларини шакллантириш;
- топшириқларни мустақил бажаришда ва катта ҳажмдаги ўқув информациялари ичидан қўйилган саволга жавоб қидиришда ўқувчиларда танқидий фикрлаш, таққослаш ва таҳлиллаш, объект ва жараёнларни квалификациялаш, абстракт фикрлаш ривожланади. Ўқувчилар олинган маълумотларни қўйилган масалани ечишга транформациялаш кўникмасига эга бўлишади;
- топшириқларни бажаришда тескари алоқанинг мавжудлиги ўз-ўзини назорат қилишни таъминлайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Веб-квестлар алоҳида муаммони, алоҳида мавзуни ёки ўқув предметини тўлалигича қамраб олиши мумкин. Бу веб квестлар янги билимларни шакллантириш учун ҳам, уларни мустаҳкамлаш учун ҳам яратилиши мумкин. Айнан шунга боғлиқ ҳолда ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириқлар мазмуни ҳам ўзгаради.

Веб-квестлардан илғор онлайн-таълим технологияси билан синф-дарс тизимидағи энг яхши амалиёти интеграциялашган “аралаш таълим” (*blended learning*) таълим технологиясини амалга оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу технология анъанавий ва электрон таълим технологиясидан

фойдаланиш ҳамда бир-бирини тўлдирувчи аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил ўқув фаолиятига асосланган ҳолда ташкил қилинган.

Аралаш таълим технологиясига мос ҳолда янги материални ўрганишда ўқувчилар янги материални мустақил ўзлаштириш учун веб-квестдан уйда фойдаланишади. Бунда, ўқувчи ўқув материалини тақдим этиш шакли, уни ўрганиш темпи ва вақтини ўзи мустақил танлайди. Эртаси куни дарсда ўқитувчи ўқувчилар билан уларда қийинчилик туғдирган саволларни муҳокама қилишади, янги материал бўйича материилларни мустаҳкамлайди ва тизимлаштиради. Шундай қилиб, дарсда биринчи навбатда амалий кўниммаларни шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун вақт тежалади. Анъанавий таълимда айнан шу нарсага вақт етишмайди.

**Хуроса ва таклифлар.** Агар веб-квест янги билимларни шакллантиришда фойдаланилса у ҳолда топшириқларни шакллантиришга алоҳида эътибор зарур.

Уларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- кўрилаётган мавзу бўйича шакллантирилаётган топшириқлар барча предмет компетентларни қамраб олиши зарур;
- фикрлаш фаолиятининг тури даражаларини қамраб оловчи топшириқларнинг мавжуд бўлишлиги
- тасдиқларнинг аниқлиги ва бир қийматлилиги.

Ўқувчилар томонидан ўқув материалини мустақил ўзлаштириш жараёнини самарали ташкиллаштириш учун олдиндан интернетнинг ҳар хил ресурсларида жойлашган зарурый информаяцияларни танлаб олиш, нафақат сайтга балки аниқ сахифага мурожаатларни киритиш зарур.

Таълим жараёнига булутли технологияларни тадбиқ қилишнинг қўйидаги сабабларини келитириш мумкин: биринчи сабаб: ҳар хил турдаги хужжатлар, рўйхатлар, графиклар, жадваллар ва анкеталарни сақланадиган жой сифатида виртуал кабинет албатта ўта зарур. Ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчига шахсий электрон портфолиоси шаклланади. Иккинчи сабаб:

кўпчилик ўқувчилар янги технологияларни иштиёқ билан ўрганади, интеллектуал қобилиятларини ривожлантиради, ўқитувчилар эса ўз ИК компетенцияйлилар даражасини оширади. Ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам БТ технологиялар воситасида умумий жадвал ва матнли хужжатларни тузиш, дарс тақдимотларини мухокама қилиш, дарс лойиҳаларини мухокама қилиш имкониятига эга бўлишади. Учинчи сабаб: мактабларда онлайн ҳамкорлик ва масофавий кооперация, коллабарация учун комплекс технологиялар етарли эмас. Ўқитувчи ва ўқувчиларда БТдан фойдаланиш компетенцияси юқоридан берилган кўрсатма билан ҳеч қачон шаклланаолмайди, агарки бу учун мактабларда самарали ўқув муҳити мавжуд бўлмаса. Тўртинчи сабаб: отаоналарни болалар фаолиятига жалб этиш ва уларни ўз вақтида хабардор қилиш учун кенг имкониятлар яратилади.

### Адабиётлар

1. Т.Н. Бондаренко. Использование веб-квест технологии в процессе организации самостоятельной деятельности студентов. // Материалы VII международной научно-практической конференции «Новые информационные технологии в образовании». – Екатеринбург, 2014.

2. Быховский, Я. С. Как создать веб-квест для самостоятельной работы учащихся? [Электронный ресурс].

3. Dodge B. Web-Quest Taxonomy: A Taxonomy of Tasks (Электронный ресурс)/ BernieDodge. -2002/-Режим доступа:

<http://webquest.sdsu.edu/taxonomy.html/>

4. March T. Web-Quest for Learning [Электронный ресурс]/T.March.-1998.-Режим доступа:<http://www.ozline.com/webquests/info.html>.

5. Лисов А.Ю. Использование технологии веб-квест в процессе преподавания школьного курса физики// Вторые Андреевские чтения: материалы межрегиональных чтений, г. Кемерово, 18 января 2017 года.

6. Быховский, Я.С. Образовательные веб-квесты [Электронный ресурс] / Я. С. Быховский // Материалы международной конференции

«Информационные технологии в образовании. ИТО-99». – 1999. – Режим доступа: <http://ito.bitpro.ru/1999>, свободный. – Загл. с экрана: Конференция ИТО-99.

7. Николаева, Н. В. Образовательные веб-квесты как метод и средство развития навыков информационной деятельности учащихся / Николаева Н. В. // Вопросы Интернет-образования. – 2002. – № 7.

8. <http://internet-konfweb202011.blogspot.com/2012/02/14.html>

9. <http://shkolazhizni.ru/archive/0/n-51014/>

10. <http://festival.1september.ru/articles/513088/>

11. [http://zhakulina20090612.blogspot.com/2011/07/blog-post\\_09.html](http://zhakulina20090612.blogspot.com/2011/07/blog-post_09.html)

## INTERCULTURAL COMPETENCE: VALUES, TRADITIONS AND SUPERSTITIONS

**Khasanova Saodat Kayimovna**

*Navoi state pedagogical institute, senior lecturer, Uzbekistan*

**Boboyorova Dilrabo Fakhridinovna**

*Navoi state pedagogical institute, MA degree student of Foreign Languages and literature department, Uzbekistan*

**Annotasiya:** So'nggi yillarda til tadqiqotchilari va amaliyotchilari o'zlarining e'tiborlarini ma'ruzachining maqsadlariga erishish uchun individual lingvistik ko'nikmalarni rivojlantirishda tildan foydalanishga qaratdilar. Har bir mamlakat va har bir millatning o'ziga xos urf-odatlari va an'analari mavjud. Turli elatlarning urf-odatlari va an'analalarini bilish juda muhimdir. Bu bizga turli millat va mamlakatlar tarixi va hayoti to'g'risida ko'proq ma'lumot olishga yordam beradi. Ushbu maqolada, asosan, ikki taniqli mamlakat madaniyati masalalari qiyosiy tahlil qilinadi.

**Аннотации:** В последние годы языковые исследователи и практиканты поместили акцент на развития индивидуальных языковых навыков на использование языка для достижения целей говорящего. У каждой страны и у каждого народа есть свои традиции и обычаи. Очень важно знать традиции и обычай разных людей. Это поможет вам узнать больше об истории и жизни разных народов и стран. Настоящая статья, в основном, посвящена этим вопросам культуры двух выдающихся стран.

**Annotation:** In recent years, language researchers and practitioners have shifted their focus from developing individual linguistic skills to the use of language to achieve the speaker's objectives. Every country and every nation has its own traditions and customs. It's very important to know traditions and customs of different people. It will help you to know more about the history and life of different nations and countries. Hereby article, mainly focuses on these issues on

the culture of the two prominent countries.

**Kalit so'zlar:** Madaniyat, urf-odat, an'ana, xurofot, mehmono'stlik, qabriston, eshik ostona, dialog xususiyatlari, odob-axloq qoidalari, munosabatlar.

**Ключевые слова:** культура, традиция, обычай, суеверия, гостеприимство, кладбище, дверной проем, особенности диалога, этикет, отношения.

**Key words:** Culture, tradition, custom, superstitions, hospitality, cemetary, doorplace, features of dialogue, etiquette, relations

**Introduction.** Culture is a technical term used by anthropologists to refer to a system for creating, sending, storing, and processing information developed by human beings, which differentiates them from other life forms. The terms mores, tradition, custom, and habit are subsumed under the cultural umbrella. Sometimes culture is used in reference to the fine arts. While art and literature do indeed form an important part of a culture, in this work the term is used in its wider context.

**Literature review.** Problems of the intercultural communications and cultural values are "young". Scientists started to consider them rather recently. In Russia, researches have begun it only in the 80<sup>th</sup> years. We don't have enough information about the works of Uzbek scientists on culture study. In such a way, there is not enough literature and materials on the given questions. Therefore, any new works and researches make the significant contribution to studying these problems. It is concluded, in the fact that we worked on some similarities and differences of the two countries' traditions and habits, which we had found from the internet websites and learned on Country Study lessons during our study at the institute.

**Research methodology.** We are eager to work with the material on this theme because it's really interesting and exciting for us to know more about the customs and traditions that came to people's life many hundreds years ago. We are also interested in their everyday way of life and we can get something for ourselves. We did our best to deal with different kinds of information and literature to make our

work interesting and well done. We tried to explain everything with simple phrases to make our listeners and readers be satisfied with the work. We wish everybody could get a lot of new information about customs and traditions of countries, their similarities and differences and may hold them in future too. In addition, many English traditions have long outlived themselves and became burdensome. Moreover, they make no sense in the present day like and only complicate things. Nevertheless, they are preserved and kept alive because of the well-known traditional English conservatism.

**Analyses and results.** There are many traditions associated with some historical facts, parliamentary, court and state ceremonies, university life, and popular holidays. Others are connected with the mode of everyday life. They deal with customs, manners of behaviour, and habits of the people. Studying them will help us to understand better the English way of life.

Uzbekistan is also famous for its hospitality and the average visitor will have no difficulty in adapting to local customs. Traditional cooking for such dishes as plow, kabab, manpar and many different fruits. National religion is Muslim.

Also we'd like to say a few words about the traditions of our country. First about Uzbek people. To my mind the main trait of character which differ them from other people is hospitality. The Uzbeks are talented nation which gave the world many well-known names of Navai, Bobur, Ibn Sina, thousands of names of world famous poets, writers, composers, scientists. Tashkent, the capital of Uzbekistan, is one of the most beautiful cities in the world.

For example, one cannot speak about England without speaking about its traditions and customs. Englishmen are proud of their traditions and carefully keep them up. They are the nation of stay at homes. They prefer a small house built for one family, with a small garden. They like to follow the traditions concerning food and meals.

We have chosen this topic because it's very interesting and urgent for us now. This subject is closely connected with our future profession. People of

different countries have their own traditions. And we think, it is very important to know customs and traditions of that country, which you are going to visit or learning its language. The national traditions absorb, accumulate and reflect the historic experience of the part generations. Standing on such ground, we considered the theme of the work actual enough to make investigation.

### **“A typical Uzbek house” and “A typical British house”**

Uzbek tradition says that the Earth has good and bad places: in good places temples or mosques are built, in bad ones cemeteries are placed. A house should be built in a good place, otherwise the family living in it will never be happy. The house where swallows choose for the hatching is considered a good or lucky house. The ways of finding out whether the place is good are as follows:

- 1) Places where poultry and cattle or a cat likes to stay for the rest are considered good;
- 2) Places where black ants make their ant-hills are also thought very good ones. An ant-hill is carefully removed to the future building site and if the ants do not run away from this place, a house is then built there.

The number of places considered to be bad is much greater. In the past people used to pass the history of their town or village through generations, and all the places where something bad had ever happened were looked upon as bad ones. Thus, houses should not be built:

- 1) near cemeteries;
- 2) in the place of a former rye or wheat field;
- 3) in the places connected with fire, e. g. sites of a fire or places ever struck by a lightening;
- 4) in the places of old abandoned roads and crossroads, mills and wells;
- 5) on marshlands, disposal sites or places used for cattle slaughter;
- 6) in the places where grass does not grow for some unknown reason;
- 7) in the places connected with some accident, e.g. where a person fell off a horse and broke his leg.

Thus, the choice of the best place for the future house is made in accordance with the landscape. The ideal place is the one where the highest hills are on the left (eastern) side of the house, lower hills on the right side and behind the house. In front of the house there should be very low hills. If the house is not isolated, but is in a town or a village, the role of the hills is played by other houses.

During the Soviet period, cities became filled with concrete-slab apartment blocks of four to nine stories, similar to those found across the former country. In villages and suburbs, residents were able to live in more traditional one-story houses built around a courtyard [8]. These houses, regardless of whether they belong to rich or poor, present a drab exterior, with the family's wealth and taste displayed only for guests. Khivan houses have a second-story room for entertaining guests. Since independence, separate houses have become much more popular, supporting something of a building boom in suburbs of major cities. One estimate puts two-thirds of the population now living in detached houses.

The main room of the house is centered around the dasturxon, or tablecloth, whether it is spread on the floor or on a table. Although there are not separate areas for women and children, women tend to gather in the kitchen when male guests are present.

A typical British house is also two-storey and made of bricks. The first floor is for the host and his wife; children live upstairs. The roof is made of reed or flat tile and covered with flowers. The walls are covered with red clay. The floor is earthen and covered with mats. On each floor there are two rooms: one larger and one smaller. One of the larger rooms is used as both the bedroom and the sitting-room.

The door is the place of entrance and exit. On the one hand, it symbolizes a border between the house and the yard, on the other hand, it ensures protection and access. The open door connects people with the world, the closed door protects the family from the outside invasion. Traditions pay great attention to this zone.

The closed position of the door is considered right. The door can be left open only if some extraordinary event has happened to the family - if one of the members has died or has been born. In these cases the door is left open to give the way to the soul of the dying or a newborn person. During the funeral procession the door should be kept open until the body is carried out of the house. Then the door should be closed or even locked for the soul not to return. Those who come to take leave of the dead must leave through the same door they entered the house. In the wedding ceremony the door also plays an important role. The mother-in-law should close the door with her back after letting in the new-married couple so that the daughter-in-law will never leave the family.

There is also a rule for everyday life: litter should be from the remote wall to the door, i.e. from 'your' space to the 'space of strangers'. Only at the funeral it should be swept from the door to the centre of the house.

For Uzbek tradition the door as a protector can be decorated with a horseshoe, a knife, needles, "isiriq", pepper and other objects usually used to protect oneself from negative energy.

- people should avoid talking or giving something over the threshold so as not to worry the ancestors;
- unmarried people should not stand or sit on the threshold, otherwise they will not get married;
- pregnant women should not sit on the threshold for the delivery not to be difficult;
- the bridegroom carries the bride over the threshold so that the ancestors do not object to the entrance of a new person into the family and she bows to the threshold putting her forehead on it;
- before leaving home for some other place a person should take a seat on the threshold to get the protection of the ancestors in his trip;

In the daytime it is left open as a sign of hospitality and is closed for the night.

The zone of cooking is represented by the stove. If somebody died in the house; then the stove stays cold for three days; the stove should be closed with an oven-door when not used so that the wealth does not leave the family.

The Uzbek people use “o’choq” to cook meal in weddings or ceremonies and “tandir” for bread. They try keep clean around them as they are considered holy places. Their mouths shouldn’t look to the East.

British people have fireplaces for sitting with their families and have tea or talk. There are “sandals” in Uzbek houses in villages but now they are becoming very rare as natural gaz is being used and modern houses are being built.

The place people use for sleeping is subject to numerous regulations concerning its position and the orientation of sleeping people according to the parts of the world. These rules differ from one culture to another as they are dictated by the world outlook of nations.

It is forbidden to sleep with one’s feet towards the door as only the dead can be placed in such a way. Sleeping in front of a mirror is considered harmful as the mirror takes the strength away from the sleeping person. As for the direction of a person, it is best to sleep with one’s head to the North and never to the East as the dead are usually placed with their heads to the East.

The place for the bed in the room is chosen individually. The rules of the placement of the main door are applied here. One more rule states that one should not sleep with his feet towards the door or the window; the worst place for the bed is in the middle of the room. Nevertheless, the door should be well seen from the bed. Uzbek people use to sleep on mats (kurpacha) instead of beds; and “bolish” instead pillows the British people use. Still there are certain rules concerning the sleeping place, too. Great importance is given to the direction of the head of a sleeping person. Men sleep by the eastern wall with their head to the North or East. Children can never sit or lie on the place the adults sleep on or go up the roof of the house the father is sitting as they show their disrespect to the elders if do so.

**Conclusion and suggestions.** This is not bad if one knows the tradition of one's own culture, because one can notice not only differences but also some points of opposition in the rules stated above. It is better not to risk and at least avoid ambiguous situations especially if it concerns one's house - the place where a person spends the best part of life.

We would like to say, that both British and Uzbek people have a lot of interesting and original traditions. People respect their customs and try observe them, although traditions are in very big number.

So in our work we tried: to research the influence of cultural values to attitude one country to another; to explore and to compare British and Uzbek patterns of social behavior; to understand the factors influencing values; to discover stereotypes between different countries.

In conclusion, it is noted that excellent knowledge of language is only half-affair for successful cooperation with other country. In addition, it is necessary to know features of people of other country in negotiating or their attitude to business. Moreover, it is necessary to take into account features of dialogue, etiquette, relations with grown-ups and many other things.

### References

1. Пинягин Ю.Н. Великобритания: история, культура, образ жизни. – Пермь: Изд-во Перм. Ун-та, 1996. – 296.
2. Сатинова В.М. Читаем и говорим о Британии и британцах. Мин.: Выш. шк., 1997. – 255с.
3. Традиции, обычаи и привычки. М.: ИНФРА-М, 2001. – 127с.
4. Котович О.В., Крук И.И. Золотые правила народной культуры.// О.В.Котович, И.И. Крук. - Минск, Адукацыя і выхаванне, 2008. - 592с.
5. Rabley, Stephen. Customs and traditions in Britain. Harlow (Essex), Longman, 1989.
6. Подласый И.П. Педагогика. т.1. Москва, Владос, 2001.

7. Adams, Laura L. "What Is Culture? Schemas and Spectacles in Uzbekistan." Anthropology of East Europe Review 16 (2): 65–71, 1998.
8. Allworth, Edward A. The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present; A Cultural History, 1990.
9. Freedom House 2000. Freedom in the World, The Annual Survey of Political Rights and Civil Liberties, 1999–2000: Uzbekistan Country Report, 2000.
10. [www.uzbekistan.org/uzbekistan/culture/](http://www.uzbekistan.org/uzbekistan/culture/)
11. [www.silkroadtreasuretours.com/uzbeks-culture](http://www.silkroadtreasuretours.com/uzbeks-culture)
12. [www.everyculture.com](http://www.everyculture.com)
13. [www.learnenglish.de/britishculture.](http://www.learnenglish.de/britishculture)
14. [en.wikipedia.org/.../CultureoftheUnitedKingdom](http://en.wikipedia.org/.../CultureoftheUnitedKingdom)

## ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАССАСАЛАРИДА “ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР” БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШДА МАТЕМАТИК АМАЛИЙ ПАКЕТЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Холиков Суюнжон Ҳамракул ўғли**

*Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти, Ўзбекистон*

**Annotatsiya.** Уибу мақолада дифференциал тенгламалар бўлимини ўқитишида компьютернинг математик амалий пакетларини имкониятлари ва улардан фойдаланишига оид таклиф ва тавсиялар берил ўтилган.

**Таянч сўзлар:** дифференциал тенглама, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер, математика, амалий пакет, восита.

**Аннотация.** В этой статье представлены предложения и рекомендации по возможностям и использованию компьютерных математических приложений в обучении дифференциальным уравнениям.

**Ключевые слова:** дифференциальные уравнения, информационные и коммуникационные технологии, компьютер, математика, практический пакет, инструмент.

*This article provides suggestions and recommendations on the possibilities and use of computer mathematical applications in the teaching of differential equations.*

**Keywords:** Differential equations, information and communication technologies, computer, mathematics, practical package, tool.

**Кириш.** Ахборот-коммуникация технология (АКТ)ларининг такомиллашуви туфайли, таълим жараёнини компьютерлаштириш, унга электрон таълим ресурслари ва амалий пакетларни жорий этиш масаласининг жуда кенг кўламда муҳокама қилинишига қарамасдан, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар, хусусан математика таълимига оид олиб борилаётган амалий ишлар қўламини ва унга қаратилган эътиборни талаб даражасида деб бўлмайди. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари

ва кузатишларимиз таҳлили олий таълимни муассасаларида математика таълими жараёнида АҚТлари воситаларидан фойдаланиш талаб даражада эмаслиги маълум бўлди.

Шуишнинг учун олий таълимни муассасаларида фанларни, хусусан математика туркумiga кирувчи фанларни ўқитишида АҚТлардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

**Адабиётлар таҳлили.** Таълим ва тарбия жараёнига АҚТларини жорий этиш назарияси ва методологияси, ўқув жараёнида Интернет технологияларидан фойдаланиш методикаси, масофадан ўқитиши муаммоларига оид юртимиз олимлари А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Жўраев, Ф.И.Закирова, М.Ҳ.Лутфиллаев, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлаков, Г.С.Эргашева, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари А.В.Гриншқун, А.Д.Онгарбаева, Д.В.Лучанинов, Б.А.Кондратенко, Ж.К.Аккасынова, Л.М.Ивкина, Т.В.Яцюқ, Ю.М.Корниенко, В.А.Брылёва, Н.А.Гончарова], В.В.Гура, А.В.Данилькевич, И.В.Роберт, Г.К.Селевко, В.А.Траинев, С.Г.Григориев, В.В.Гриншқ, Т.В.Капустиналар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида номлари қайд этиб ўтилган олимларимизнинг тадқиқот ишларининг таҳлилидан олий таълимни муассасалари таълим-тарбия жараёнида, жумладан, математика туркумiga кирувчи фанларни ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш зарурат эканлиги маълум бўлди. Ушбу келтирилган тадқиқотчиларнинг илмий ва услубий ишларида “Ахборот-коммуникация технологиялари”, “Ахборот технологиялари”, “Янги ахборот технологиялари”, “Таълимни ахборотлаштириш воситалари” каби турли хил атамалар мавжуд. Мазкур тушунчаларга тадқиқотчилар турлича таъри берган.

Бу борада Р.Ф.Сафарова, Р.Х.Жўраевларнинг энциклопедиясида келтиришича ахборот-коммуникация технологиясига бу – талабаларнинг муайян йуналишдаги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришда

янги техник универсал дидактик воситадир. У таълим олувчининг амалий тафаккурини кенгайтириб ҳамда чукурлаштириб, уларда муайян йуналишдагн билим, кўникма ва малакаларни юқори даражага кутаради. Ахборот технологияси эса ахборотларни тўплаш, сақлаш, излаш ва унга ишлов бериш ҳамда уни тарқатиш учун фойдаланиладиган усул ва жараёнлар мажмуи. Ахборот технологиясининг таъминотлари унинг таркибий қисмларини ўз ичига олади. Улар дастурий, техник, ҳуқуқий, ахборотлар, ташкилий, матнли ва лингвистик таъминотлардан иборат [2].

И.В.Робертнинг фикрига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари таълим мақсадларида ахборот билан ўзаро алоқанинг таърифини беради ва уни “таълим жараёни субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчи томонидан фойдаланиш орқали ўқитиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, кўллаш ва узатиш бўйича фаолият воситаси сифатида қаралади” деб изоҳлайди) ва шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик ва психологик таъсирни таъминлаш, маълум бир предмет соҳасининг билим тизимини шакллантириш, таълим соҳасидаги қонунларни ўрганишни ўз ичига олган ўқув фаолиятини амалга ошириш бўйича қўникма ва кўникмалар комплексини шакллантириш [3].

Г.К.Селевконинг фикрига кўра, ахборот технологиялари – бу замонавий алоқа воситалари, босмахона, ҳисоблаш ускуналари ва дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда, амалий информатика томонидан яратилган инсон фаолиятининг барча турларида ахборотни қайта ишлашнинг тизимли ва массив усулларининг тўпламидир. Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари “компьютер технологиялари асосида ишлайдиган, ахборот тарқатиш, ахборот алмашиш ва йиғиш операцияларини таъминлаш учун ишлатиладиган дастурий таъминотлар ва техник қурилмалар” деб талқин этилади [4].

В.А.Траинев ахборот технологиясига қуйидаги таърифни беради: “... фойдаланишнинг иш фаолиятини енгиллаштириш, унинг ишончлилиги ва

самарадорлигини ошириш мақсадида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва намойиш қилиш учун дастурий таъминот ва аппарат воситалари тўплами" [4].

Б.Ж.Болтаев, М.Р.Маҳкамов, А.Р.Азаматов, С.И.Рахмонқулованинг дарслигига ахборот технологияларига қўйидаги таърифни беради: "Инсоният томонидан ахборотларни излаш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усуллари ва воситаларидир". Уларнинг фикрига кўра, ахборот технологияси икки: ички ва ташқи омиллардан иборатdir. Ички омилларга – усуллар, ташқи омилларга – воситалар киради [6].

С.Г.Григориев ва В.В.Гриншкунларнинг дарслигига таълимни ахборотлаштириш воситаси "... комьютернинг техник воситалари ва дастурий таъминоти, шунингдек, таълимни ахборотлаштириш мақсадларига эришиш учун фойдаланиш" деб, таъриф беради. Муаллифларнинг таъкидлашича, ахборот-коммуникация технологияларининг энг муҳим замонавий воситаси "... бу тегишли дастурий таъминот билан жиҳозланган компьютер ва уларга жойлаштирилган маълумотлар билан бирга телекоммуникация ускуналардир" [7].

Р.Хамдамов, У.Бегимкулов, Н.Тайлоқовларнинг фикрига кўра, таълимни ахборотлаштириш воситалари – бу компьютер техникиси, коммуникация воситалари, шунингдек, ахборотларни ифодалаш, узатиш ва йиғиш, билиш фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришни ташкил этиш бўйича ўқитувчининг вазифаларини моделлаштирувчи интерактив дастурий маҳсулотлар асосида педагогик шаротини яратишнинг метод, шакл ва воситалари мажмуидир [8].

Юқорида келтирилган таърифларнинг фарқларга қарамай, барча муаллифлар ушбу технологияларни таълим тизимиға татбиқ этиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкинлигини таъкитлайди.

Бизнинг тадқиқотимизда берилган барча таърифлар орасидаги фарқни таҳлил қилмаймиз, яъни АКТлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур деб, ҳисоблаймиз.

**Тадқиқот метологияси.** Таълим жараёнида АКТ бир қатор дидактик имкониятларни амалга оширади. Буларга қуйидагилар киради: интерактив диалогни амалга оширишни белгилайдиган фойдаланувчи ва ўқув воситалари ўртасида зудлик билан тескари алоқа мавжудлиги [9]; ўрганилаётган объект, жараён ҳақидаги ўқув маълумотларини визуализация қилиш (экранда визуал тасвир: объект, унинг таркибий қисмлари ёки уларнинг моделлари; жараён ёки унинг модели; ўрганилаётган жараённинг график талқини); • маълумотни моделлаштириш ва талқин қилиш [3]; объектлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, жараёнлари, ҳодисалари - ҳам ҳақиқий, ҳам виртуал (математик, тавсифловчи, визуал модел экранидаги тақдимот асл нусхага мос келади) шаклда намойиш этиш; катта ҳажмдаги маълумотларни архивлаш, саклаш, унга осон кириш, узатиш ва такрорлаш [10]; ҳисоблаш жараёнларини автоматлаштириш, ахборот қидириш фаолиятини самарадорлик, шунингдек, фрагментни ёки экспериментни ўзи такрорий такрорлаш имконияти билан ўқув тажрибаси натижаларини қайта ишлаш; ахборот-услубий таъминот жараёнларини автоматлаштириш, ташкил этишда таълим фаолиятини тартибли бошқариш ва ассимиляция натижаларини назорат қилиш [3].

Б.С.Гершунский [11] таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг тўртта йўналишини ажратиб кўрсатди: 1. Компьютер технологиялари ўрганиш обьекти сифатида; 2. Компьютер педагогик фаолият самарадорлигини ошириш воситаси сифатида; 3. Компьютер илмий самарадорликни ошириш воситаси сифатида таълимдаги тадқиқот фаолияти; 4. Компьютер ўқув ва тарбиянинг таркибий қисми сифатида бошқарувчи.

А.С.Безручко “Методика обучения решению дифференциальных уравнений будущих учителей математики, основанная на использовании

информационных технологий” номли диссертация компьютер педагогик фаолият самарадорлигини ошириш воситаси сифатида хизмат қилади деб, ҳисоблаган [1]. Бизнинг тадқиқотимизда ҳам ушбу тадқиқотчини фикрига амал қиласиз. Бу борада Б.С.Гершунский таъкидлашича, “... айнан мана шу компьютерни таълим тизимининг бундай таркибий қисми деб билади, бу нафақат ўқув жараёни билан боғлиқ ҳолда “воситалар” тоифасини тушунишда туб ўзгаришларни амалга оширишга қодир эмас, балки таълим тизимининг барча бошқа таркибий қисмлари - мақсадлари, мазмuni, усууллари ва таълимнинг ташкилий шакллари” [11].

Таълим жараёнида шахсий компьютердан фойдаланиб, ўқитишида ўқитишиш воситаларининг ролини ўзгартиради. Тадқиқотимизда компьютерни қўшимча равишда предметни ўқитишини таъминлайдиган анъанавий ўқитиши воситаларини ҳам ўз ичига олган ўқув воситалари бутун тизимининг таркибий қисмларидан бири деб биламиз.

Таълимни ахборотлаштириш ва шахсий компьютерларни ўқув жараёнига киритиш ўқув материалининг ҳажми ва мазмунини ўзгартиради, ўқув режалари ўзгаради, бу умуман таълимнинг таркиби ва мазмuni ўзгаришига олиб келади.

Бугунги кунда математика ўқитувчилари ўқув жараёнининг деярли барча босқичларида ўқув эҳтиёжларини қондирадиган турли хил дастурний маҳсулотларга эга. Бундай дастурний маҳсулотларга интерфаол ўқув тизимлари, ахборот таълим муҳитлари, электрон таълим ресурслари, дидактик электрон мажмуалар, талабалар билимини баҳоловчи ва назорат қилувчи дастурлар, амалий пакетлар, тренажёрлар, электрон маълумотномаларни ўз ичига олади [10].

Математика фани бошқа фанларга нисбатан мураккаб бўлганлиги туфайли урганиш бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис математикани ўрганишда АКТни қўллаш самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Дастлаб математик ҳисоб-китобларни енгиллаштириш учун биринчи компьютерлар ишлаб чиқилган (компьютерлар - электрон ҳисоблаш машиналари), шу сабабли математикани ўқитишида компьютерлардан фойдаланиш бошқа фанларга қараганда олдинроқ бошланган. Фундаментал математика ва компьютер технологиялари соҳасида компьютер математикаси деб, номланган янги йўналиш пайдо бўлди. В.П.Дяконов ушбу йўналишни "... ҳисоблашларнинг барча босқичларини визуализация қилиш даражаси юқори бўлган турли хил турдаги математик масалаларни компьютерларда самарали ечиш учун мўлжалланган назарий, алгоритмик, аппарат ва дастурий воситалар тўплами" деб таърифлайди [12]. Компьютер математикаси тизимлари кўпинча компьютер математикасида дастурий таъминот воситаси сифатида ишлатилади.

Ушбу синф дастурлари учун тадқиқотчилар турли хил номларга эга: компьютер алгебра тизимлари, компьютер математикаси тизимлари, компьютер математик тўпламлари, математик тизимлар, компьютернинг математик амалий пакетлари [13]. Биз тадқиқотимизда компьютернинг математик амалий пакетлари деб, таъриф беришни лозим топдик.

Компьютернинг математик амалий пакетларининг яратиш даври одатда 60-йилларнинг бошида бошланган. Ўша пайтда стандарт алгебраик ўзгаришларни амалга оширишга қодир бўлган компьютер тизимларини яратиш мумкин эди: ифодаларни алмаштириш ва соддалаштириш, чизиқли ва чизиқсиз тенгламалар, уларнинг ечиш, матрицалар устида амаллар бажариш, функция графикларини қуриш каб амалий натижаларни олиш. Бу асосан таҳлилий натижаларни ўрганиш ва анализ қилиш имкониятини яратган.

Дастурий таъминот бозорида компьютер математикасининг дастлабки амалий пакетлари ўтган асрнинг 80-йилларида пайдо бўлган. Уларнинг ривожланиш даври 90-йилларга тўғри келади. Ҳозирда ушбу амалий пакетлар математик ҳисоб-китобларни бажаришда, тадқиқот ишларини олиб

борища ва олинган натижаларни таҳлил этишда юқори имкониятларни яратади [1].

Ушбу математик амалий пакетлар янгиланишлари давом этмоқда, хар бир кейинги версия аввалгисининг имкониятларини кенгайтиради, аммо асослари ўзгармайди.

В.П.Дяконов ўз асарларида компьютернинг математик амалий пакетларини шартли равишда тўртта асосий синфга ажратади [14]: рақамли ҳисоблаш тизимлари; статистик ҳисоблаш тизимлари; маҳсус ҳисоб-китоблар учун тизимлар; аналитик ҳисоблаш тизимлари (компьютер алгебраси).

Ушбу математик амалий пакетларни баъзиларининг имкониятлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирамиз.

GNU Octave – амалий пакети математик ҳисоб-китоб ишларини бажариш ва тажрибалар ўтказишга мўлжалланган тизим ҳисобланади. Octave амалий пакети ёрдамида чизиқли ва чизиқли бўлмаган алгебра масалаларини, дифференциал тенгламаларни ва оптималлаштиришнинг чизиқли ва ноҷизиқли масалаларини ечиш, интегралларни ҳисоблаш ҳамда функция графикаларни куриш мумкин [20].

*Derive* – амалий пакети математик ва илмий-техник муаммоларнинг кенг доирасини ҳал қилишга йўналтирилган универсал математик амалий пакет ҳисобланади. *Derive* амалий пакети ўзининг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирадиган кутубхонаси билан таъминланган [15]

Mathematica – амалий пакети дастурлашнинг мураккаблигига кирмасдан жуда кўп сонли масалаларни ечишга имкон берадиган универсал математик тизимлардан бири. Унинг ёрдами билан рақамли ва аналитик ҳисоб-китоблар осонгина амалга оширилади. Амалий пакетнинг қолган қисмидан фарқли жиҳатларидан бири, икки ва уч ўлчовли графикалар бўлиб, улар уч ўлчовли фазодаги эгри чизиқлар ва сиртларни тасаввур қилишда фойдаланилади. Mathematica муҳити замонавий ва юқори даражадаги

дастурний тилни ўз ичига олади, бу эса янада қулайроқ ва ўзининг функционал имкониятига эга [1].

Maple – амалий пакети аналитик ва рақамли усуллардан фойдаланган ҳолда мураккаб ҳисоблаш лойиҳаларини амалга ошириш учун мўлжалланган юқори ҳисоблаш тизими ҳисобланади. Maple амалий пакети математик масалаларни ечишнинг рақамли алгоритмга эга. Шунингдек, мураккаб масалаларни ҳисоблашга мўлжалланган кутубхонага ҳамда дастурлаш тилга эга. Бу фойдаланувчига буйруқлар ва дастурларни мустақил равишда яратишга имкон бериш орқали унинг имкониятларини кенгайтириш билан маҳсус муаммоларни ҳал қиласи. Шу билан бирга яхши матн мухаррири, босма сифатли формулалар ва ажойиб 2Д ва 3Д графикалар сизга бажарилган ишни web саҳифа сифатида ёки стандарт матнли хужжат сифатида сақлашга имкон беради [1].

